



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Абдуллаев Нурлан Полатович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича  
таълим олаётган 3-ўқув курси 316-ўқув гуруҳи курсанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480383>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> October 2025  
Accepted: 28<sup>th</sup> October 2025  
Published: 29<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Профилактика инспектори,  
тақиқланган экинлар,  
жиноятларнинг олдини  
олиш, ҳуқуқий асослар,  
жиноий жавобгарлик,  
профилактика фаолияти.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада профилактика инспекторларининг фаолиятида тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинган. Тақиқланган экинлар турлари, уларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ва жавобгарлик чоралари кўриб чиқилган ҳамда профилактика инспекторлари ваколатларини самарали амалга ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар айланмаси устидан қатъий давлат назорати ўрнатилган бўлиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омиллардан ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддасида қонунга хилоф равишда тақиқланган экинларни — кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган бошқа ўсимликларни экиш ёки етиштириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур экинлар билан боғлиқ ҳуқуқий тартибга солиш тизими Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарори билан янада такомиллаштирилган. Ушбу қарор орқали 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорга ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикасида муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари, муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, шунингдек айланмаси чекланган прекурсорлар рўйхатлари тасдиқланган. Бу рўйхатлар мамлакат ҳудудида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ назоратни ҳуқуқий асосда таъминлайди.

Каннабис — нашанинг гашиш олинадиган навларини (жумладан, Ҳиндистон, Жанубий Чўй, Краснодар ва бошқа турларини) ўз ичига олган экин тури бўлиб, гиёванд моддалар манбаи сифатида аҳамиятга эга. Кўкнор эса уруғидан ўсимлик мойи, кўсагидан эса афюн олиш мақсадида етиштириладиган экин ҳисобланади. Бундан

ташқари, кока бутаси ва шунга ўхшаш таркибида гиёванд ёки психотроп моддалар мавжуд бўлган бошқа ўсимликлар ҳам тақиқланган экинлар қаторига киради.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда тегишли рухсатномаларсиз ҳар қандай ер майдонида, жумладан бўш ётган ерларда уруғ қадаш, ўстириш ёки парваришlash тушунилади. Бу жиноят таркиби ўсимликнинг униб чиққанлиги ёки чиқмаганлигидан қатъи назар, уруғ экиш пайтиданоқ тугалланган деб ҳисобланади.

Мазкур жиноят тури нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий хавф даражаси юқори бўлган ҳолатлардан бири бўлиб, унинг олдини олишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мазкур мақолада тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспектори фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳуқуқий асослар, амалий механизмлар ва профилактика фаолияти самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар айланмасини қатъий назорат қилиш ҳамда улар етиштирилиши тақиқланган экинларнинг олдини олиш масаласи жамият хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар тизими кўп қиррали бўлиб, миллий қонунчилик, Президент фармонлари, жиноят-процессуал қоидалар ҳамда ички ишлар органларининг амалдаги вазифаларини қамраб олади.

Биринчи навбатда, 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-И-сон Қонун** мазкур соҳадаги базавий ҳуқуқий манба ҳисобланади. Қонуннинг нормаларида гиёҳвандлик воситалари ва уларга тенглаштирилган моддаларнинг етиштирилиши, сақланиши, ташилиши ва тарқатилиши қатъий тартибга солинган бўлиб, ушбу жараёнлар фақат махсус рухсатлар асосида амалга оширилиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилган. Қонунга мувофиқ, ман этилган гиёҳвандлик хоссасига эга бўлган ўсимликларни етиштириш ёхуд уларни кўпайтиришга уриниш жиноий жавобгарликка олиб келади. Бу нормалар нафақат жазо чораларини белгилайди, балки профилактика инспекторларига ҳам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади — улар мазкур ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум қилишда муҳим бўлган вазифасини бажаради.

Мазкур соҳада давлат сиёсатининг стратегик йўналишларини белгилаб берувчи асосий ҳужжатлардан бири — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сон Фармони** ҳисобланади. Ушбу Фармонда гиёҳвандлик воситалари айланмасига қарши курашда профилактик ишларни кучайтириш, жамоатчилик ва маҳалла институтларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ички ишлар органларининг масъулиятини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан, профилактика инспектори фаолияти нафақат маҳаллий даражадаги назорат вазифаси, балки стратегик миллий хавфсизлик тизимининг муҳим элементи сифатида қаралади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони** жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги концептуал ёндашувни белгилаб берган бўлиб, унда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг етиштирилишига қарши курашиш устувор вазифалар қаторига киритилган. Мазкур

хужжатда профилактика инспекторларининг фаолиятига доир вазифалар аниқ белгиланган: уларнинг асосий вазифаларидан бири — худудда тақиқланган ўсимликлар етиштирилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, бу ҳақда тегишли идораларга хабар бериш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олишдир.

Агар профилактика инспектори хизмат худудида етиштирилиши тақиқланган гиёҳвандлик хоссасига эга ўсимликлар аниқланса, у бу ҳолатга нисбатан қатъий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ёндашиши зарур. Биринчи навбатда, инспектор ҳолат ҳақида **туман (шаҳар) ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига** дарҳол хабар бериши керак. Тергов-тезкор гуруҳи келгунга қадар инспектор ҳодиса жойини ўраб олади, далилларни сақлайди ва учинчи шахсларнинг аралашувига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Бу нафақат далилларни йўқотиш хавфини бартараф этади, балки жиноят-процессуал талабларнинг бузилишини ҳам олдини олади.

Кейинги босқичда терговга қадар текширув органи ҳодиса жойини кўздан кечиради. Бу жараён **Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 135–141-моддаларига** асосан амалга оширилади. Кўздан кечиришда агроном-муттахассис иштирок этади, кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилади, ўсимликлар майдони аниқланади, улар илдизлари билан суғуриб олинади ва муҳрланган ҳолда экспертизага юборилади. Суд-кимёвий экспертизаси натижалари ушбу ўсимликларнинг гиёҳвандлик воситаси ёки шунга тенглаштирилган модда турига мансублигини аниқлайди ва кейинчалик жиноят иши юритувида асосий далиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу тарзда профилактика инспектори фаолияти нафақат маъмурий назорат билан чекланиб қолмайди, балки жиноятларнинг барвақт олдини олиш, далилларнинг сақланишини таъминлаш ва тергов жараёнларига самарали кўмак бериш каби қонуний аҳамиятга эга босқичларни ўз ичига олади. Бу эса уларнинг жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги ўрнини янада кучайтиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг роли жиноятчиликка қарши кураш тизимида муҳим ўрин тутаяди. Бу йўналишда фаолиятни такомиллаштириш, аввало, жиноятларни барвақт аниқлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва маҳаллий аҳоли билан самарали профилактик ишларни йўлга қўйишни талаб этади.

Профилактика инспекторининг вазифаси нафақат жиноят содир этилганидан кейин тегишли чораларни кўриш, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ва мақсадли профилактика чора-тадбирларини амалга оширишдан иборатдир. Бунинг учун уларнинг малакасини ошириш, ахборот алмашинувини такомиллаштириш ва жойларда тезкор ҳаракат қилиш механизмларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Амалий тавсиялар сифатида, профилактика инспекторлари учун тақиқланган экинларни аниқлаш ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш, маҳалла ва фермер хўжаликлари билан узвий ҳамкорликни кучайтириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва хабардорликни ошириш бўйича мунтазам тушунтириш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, профилактика инспектори фаолиятини мазкур соҳада такомиллаштириш нафақат жиноятчиликни камайтиришга, балки жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини гиёҳвандлик билан боғлиқ таҳдидлардан самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

### References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги 19.08.1999 йилдаги 813-И-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” қарори, 27.10.2018 йилдаги 878-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.

INNOVATIVE  
ACADEMY